

---

## "Кўкдўппи" маҳалла фуқаролар йиғинининг ўзида 6,5 км ички кўчалар асфальтланди

Фурқат туманида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 25 млрд 183 млн сўм маблағ эвазига 20 та маҳалла фуқаролар йиғинида ишлар амалга оширилиши белгиланган.

Ички йўллари асфальтлаш бўйича 13 та маҳаллада 40,679 км, ичимлик суви таъминоти бўйича 5 та маҳаллада 10,5 км тармоқ тортиш, электр таъминоти ҳамда ижтимоий соҳа объектларини яхшилаш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

Хусусан "Кўкдўппи" маҳалла фуқаролар йиғинининг Гулистон кўчасида 427 метр, Навбахор кўчасида 600 метр, Жийдазор кўчасида 969 метр, Ғалаба кўчасида 1217 метр, Шодлик кўчасида 1806 метр, Янги ҳаёт кўчасида 940 метр, Истиқлол кўчаларида 560 метр, жами 6,5 км асфальтлаш ишлари якуний босқичда.

Маълумот ўрнида: Маҳалланинг Истиқлол кўчасида ободонлаштириш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, дастур доирасида магистрал йўлнинг 1 км қисмида асфальтлаш ишлари бажарилди.

2023-04-01 09:08:24